

ҚАДИМГИ ХИТОЙ ЛЕГИЗМ ТАЪЛИМОТИДА ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ

Қаҳрамон Усманович Умидуллаев

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Давлат ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими

, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Ушбу мақолада асосий эътибор Қадимги Хитойда давлат ва ҳуқуқ масалаларини ёритиб беришга қаратилган. Қадимги Хитойда легизм таълимотини илгари сурган мутафаккирларнинг давлат бошқаруви ҳамда ҳуқуқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги қарашлари таҳлил қилинган. Қадимги Хитой легизм таълимоти мутафаккирларининг қарашларини ўрганган олимларнинг фикрлари қиёсий таҳлил этилган. Ўрганишлар натижаларига асосланиб тегишли хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: Қадимги Хитой, легизм, қонун, Гуан Чжун, Цзы Чан, Дэн Си, Ли Куй, У Ци, Шан Ян, Шэн Дао, Шэн Бухай, Хан Фэй, Ли Сы.

Манбаларда қайд этилишича легизм назарияси ва амалиётининг асосчиси Гуан Чжун (милоддан аввалги VIII-VII аср) ҳисобланади. Легизмнинг энг йирик вакиллари Цзы Чан, Дэн Си (милоддан аввалги VI аср), Ли Куй, У Ци (милоддан аввалги V аср) Шан Ян, Шэн Дао, Шэн Бухай (милоддан аввалги IV аср) Хан Фэй, Ли Сы (милоддан аввалги III аср) ва бошқалар ҳисобланади. Легизм қонун (фа)нинг устуворлиги ҳақидаги таълимотга асосланади. Қонунлар замон эҳтиёжларига қараб ўзгартирилиши ва қайта кўриб чиқилиши мумкин¹.

Яна бир манбада қайд этилишича легизм фа – “ҳуқуқшунослик”, қадимги Хитойда ҳуқуқий, ахлоқий ва сиёсий қарашларнинг асосий йўналишларидан бири (лотинча *lex, legis*– қонун) қонун учун белги сифатида қабул қилинган².

Легизм (франсузча *Légisme*) “Ҳуқуқшунослар мактаби” номи билан ҳам танилган. Мактабнинг асосий ғояси барчанинг Қонун олдида тенглигига асосланади. Ҳуқуқий таълимотга кўра, унвонлар, имтиёзлар, мартабалар туғилиш бўйича эмас, балки ҳақиқий хизматга кўра тақсимланиши лозим. Легизм ғояларига кўра, ҳар қандай оддий одам биринчи вазиргача бўлган ҳар қандай мартабага кўтарилиш ҳуқуқига эга. Легистлар ҳокимият тепасига келганларида ўта шафқатсиз қонунлар ва жазолар ўрнатганликлари билан

¹ Лидай фа цзя чжуцзо сюаньчжу (Избр. произв. с комментариями легистов различных эпох). Пекин, 1974; / Ци Ли, Фа цзя жэньу цзи ци чжуцзо цзяньцзе (Краткое знакомство с представителями легизма и их произведениями). Пекин, 1976;

² Creel H.G. Fa-chia: Legalists or Administrators. – The Bulletin of the Institute of History and Philology Academia Sinica, v. 4. Taipei, 1961;

ажралиб туради³.

Умуман олганда легизм қарашлари дастлаб милоддан аввалги VIII асрда қадимги Хитойда вужудга келган ва ушбу ҳудудда айрим давлатларда давлат бошқарувининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берган.

Мисол учун легизм қадимги Хитой марказлашган Цин империясининг расмий мафкураси ва бошқарув тизимининг назарий асосига айланган. Цин Шихуан легизм мафкурасига асосан ҳукмронлигига таҳдид соладиган маданият соҳаларини чеклаш бўйича сиёсат олиб борган. Милоддан аввалги 213 йилда Император фармони билан шахсий кутубхоналарда сақланаётган гуманитар фанларга оид адабиётлар (давлат архивларида сақланган адабиётлар бундан мустасно) ёқиб юборилган. 460 нафар конфуций олимлари тириклайин кўмилган, уларнинг кўп сонли фикрдошлари чегара ҳудудларига сургун қилинган⁴.

Таълимотга кўра, ҳукмдор ва халқ ўртасидаги муносабатлар фақат антагонистик бўлиши мумкин. Давлат ҳокимияти ва ҳукмдор ҳокимиятини мустаҳкамланишининг асоси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва урушлар олиб бориш учун ҳарбий кучларни жамлашдир. Ахлоқий меъёрлар, анъаналар ва маданият муҳим эмас. Чунки улар асосий вазифаларини бажаришдан чалғитади. Инсон хизматларининг асосий мезони давлатга садоқат, қонунга сўзсиз итоат қилиш ва ҳарбий хизматдир. Ҳукмдор ҳатто энг муносибларга ҳам ишонмаслиги керак. Ҳушёр ва шафқатсиз бўлиши ва ўз ҳокимиятини қўл остидагиларга ўтказмаслик керак. Шу билан бирга, бошқарув масалаларида қонунларни ўрнатиш шахсий қарашларга эмас, балки фақат давлат учун “катта фойда”га асосланиши ва биринчи навбатда давлатнинг моддий манфаатлари ҳисобга олишини керак⁵.

Қуйида легизм таълимотининг айрим тарафдорлари ва уларнинг қарашлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтилди.

Гуан Чжун (милоддан аввалги 720?-645) оддий савдогарлардан чиққан. Унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги маълумотлар асосан “Го юй” деб номланган ёдгорликда сақланган. У темир ва тузга давлат монополиясини жорий этиш, лавозимларга қонун йўли билан тайинлаш, ҳукмдор устидан қонун устуворлигини таъминлаш ғоялари билан машхур. Кўпчилик тадқиқотчилар уни легизм ҳуқуқ мактабининг асосчиси сифатида таърифлашган⁶. Гуан Чжун милоддан аввалги 685 йилда Ци ҳукмдори Хуан-гун томонидан Бош вазир этиб тайинланган. Манбаларда қайд этилишича, унинг даврида Ци энг қудратли

³ Васильев Л. С. [«История Востока». Конфуцианство и легизм](#). Дата обращения: 16 февраля 2011. [Архивировано](#) 7 сентября 2011 года.

⁴ <https://iphlib.ru/library/library/collection/newphilenc/document/HASH01b0ea763f3b0fed41f681b0>

⁵ Васильев Л.С. Государство и частный собственник в теории и практике легизма. – В сб.: 5-я научная конференция «Общество и государство в Китае», в. 1. М., 1974;

⁶ Штейн В.М. «Гуань-цзы». Исследования и перевод. М., 1959.

давлатга айланган, наслий аристократия заифлашиб, Қирол ҳокимиятини мустаҳкамланган⁷.

У Хитой тарихида биринчи бўлиб мамлакатни қонун асосида бошқариш концепциясини илгари сурган (“Қонунлар халқнинг отаси ва онаси”). У қонуннинг умумбашарийлигини таъкидлаган. “Ҳукмдор ва амалдорлар, олий ва паст, олийжаноб ва хасис – ҳамма қонунга амал қилиши шарт. Бу бошқарувнинг буюк санъати дейилади⁸.”

Гуан Чжун юқори маъмурий лавозимларни мерос қилиб олиш ҳуқуқини чеклаш, фақат қонун асосида бошқариш орқали маъмурий лавозимларга муносибларни тайинлаш тарафдори бўлган. Л.С. [Переломовнинг фикрга кўра](#), Эҳтимол, Гуан Чжун биринчи бўлиб жазо ғоясини бошқарувнинг асосий усули сифатида таклиф қилган бўлиши мумкин. Яъни “Одамлар жазодан кўркса, уларни бошқариш осон бўлади”⁹.

Гуан Чжуннинг сўзларига кўра, қонун ҳукмдордан пастда эмас, балки юқорида бўлиши керак. Ҳукмдорнинг ўзи қонун кўрсатмаларини бажаришга мажбур. Қонун халқни чегараси бўлмаган ҳукмдорнинг жиловсизлигидан ҳимоя қилади. Шу билан бирга, давлатдаги барча сиёсий ва иқтисодий ҳокимият ҳукмдор қўлида бўлиши керак¹⁰.

Цзы Чан (милоддан аввалги 580-522) Чжен давлати ҳукмдорининг биринчи маслаҳатчиси. У чжен аристократик оиласида туғилган. Унинг бобоси Му-гун ва отаси Цзы-го ҳам амалдорлардан бўлган.

У бир қатор ислохотлар билан машҳур, лекин энг муҳими, милоддан аввалги 536 йилда “Жазолар тавсифи” деб номланган китобни ёзган. Тахминлага кўра бу қонунларнинг биринчи ёзма матни бўлиши мумкин. У бронза қуйилган деб ҳисобланса-да, сақланиб қолмаган. Қадимги Хитой тарихшунослигида биринчи қонунлар тўплами эрамиздан аввалги X асрда ёзилган деган фикр мавжуд. Аммо бу фикрнинг тарихийлиги замонавий тадқиқотчилар томонидан кўпинча шубҳаланади¹¹.

Манбаларда қайд этилишича Чжэн қироллиги кичик Хитой давлатларидан бири эди. Расмий равишда монархия бўлиб, у ҳақиқатда олигарх кланлар томонидан бошқарилган, қирол эса фақат номинал давлат бошлиғи эди. Цзы-кун ҳокимият тепасига келгандан сўнг Цзы-чан унинг абсолютизмнинг ўрнатилишига қарши чиқди ва ҳукмдорни ўз иродасига сўзсиз бўйсунитишни талаб қилувчи қонун лойиҳасини ёқишга кўндиради. Қонун лойиҳаси жамиятнинг

⁷ Гл. редакция: Л. Ф. Ильичёв, П. Н. Федосеев, С. М. Ковалёв, В. Г. Панов. Гуань чжун // Философский энциклопедический словарь. — М.: Советская энциклопедия. — 1983.

⁸ Цзяо Чжанлу. // (Биографии знаменитых философов древнего Китая). Т. 1. Цзинань, 1982.

⁹ [Переломов Л. С.](#) Конфуцианство и легизм в политич. истории Китая. М., 1981. С. 20, 21, 42 — 5 и др.

¹⁰ Гуань Чжун // Китайская философия. Энциклопедический словарь. — 2009.

¹¹ Harris E. L. The Shenzi Fragments: A Philosophical Analysis and Translation. N.Y.: Columbia University Press, 2016.

барча соҳаларида норозилик бўронини келтириб чиқарди. Цзы-чаннинг талабига биноан уни Цан дарвозаси олдида ёқиб юборди, шундан кейин ғазабланган оломон тинчланди.

Милоддан аввалги 553 йилда Цзы-кун жанубий Чу қироллигининг ёрдамига таяниб, ҳокимиятни эгаллаб олишга уриниб кўрди, аммо Цзы-чан ва Цзы-си бошчилигидаги кўзғолончилар томонидан ўлдирилди. Ғолиблар Цзы-кун вафотидан кейин мамлакатни бошқарган янги триумвират туздилар.

Милоддан аввалги 542 йилда аристократ кланлар ўртасидаги тўқнашув натижасида мамлакатда яна бир сиёсий инқироз юзага келди. Кейин янги регент Цзы-пи штатдаги ҳокимиятни омманинг қўллаб-қувватлаган Цзы чанга топширди. Шу пайтдан бошлаб Цзы-чан эрамиздан аввалги 522 йилда вафотигача Чжэн қироллигини бошқарган.

Цзы-чан давлат бошлиғи бўлганида оддий халқ манфаатлари йўлида кўплаб ислохотларни амалга оширди. Рус тарихчиси В.А.Рубиннинг таъкидлашича, “у қадимги Хитойда демократик давлат асосларини яратишга ҳаракат қилган ягона давлат арбоби эди. Цзы-чан халқ орасида катта шуҳрат қозонган ва вафотидан кейин у фазилатли ҳукмдорнинг намуналаридан бирига айланди.

Цзы-чан Хитой тарихида ёзма жинойт қонунлари тўпламини нашр этган биринчи ҳукмдор эди. Милоддан аввалги 535 йилда Жазолар кодекси матнини кўчиришни буюрди. Бу ислохот суд жараёнини демократлаштиришга олиб келди. Ҳар бир эркин шахс қонунлар матнини мустақил ўрганиш, оғзаки даъво билан судга мурожаат қилиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилишни кимгадир ишониб топшириш имкониятига эга бўлди.

Ислохотнинг оқибатларидан бири даъволар сонининг кескин кўпайиши бўлди, шунинг учун Цзы-чан ҳукмронлиги тарихга “даъвогарлик даври” сифатида кирди. Қамоқхоналар шунчалик гавжум бўлганки, энди маҳбус бўлиш шармандалик ҳисобланмайдиган бўлиб қолди. Шу билан бирга, юридик амалиётни ривожлантириш учун шароитлар пайдо бўлди.

Цзы-чан ислохоти замондошларининг турли баҳоларига сабаб бўлди. Хусусан, керак бўлганда одамлар билан мулоқот қилиш, уларни ҳимоялаш, хайрихоҳлик пайдо бўлди, одамларда даъвогарлик руҳи уйғонади, аммо жазолардан, ҳокимиятдан кўрқиш ҳиссини камайди, бошқарув қийинлашди¹².

Дэн Си (милоддан аввалги 560/45–500) Дэн Си Жазолар кодексининг яратувчиси ҳам эди. Лекин Цзы Чандан фарқли ўлароқ, у кўпинча софистнинг вакили сифатида таснифланади. У судда зўр мунозарачи бўлган ва ўша даврдаги баъзи юнон риториклари сингари, қарама-қарши фикрларни билдириб,

¹² Рубин В. А. Цзы-чань и город-государство древнего Китая // В. А. Рубин. Личность и власть в древнем Китае. — М.: «Восточная литература», 1999. — С. 227—241.

иккаласининг ҳам мақбуллигини исботлашга ҳаракат қилган¹³.

Яна бир манбада қайд этилишича, Дэн Си Чжен подшолигининг қадимги Хитой мутафаккири ва давлат арбоби. У “Дэн Си-цзы” рисоласини яратган. Ушбу рисола мазкур мактабнинг асосий асарларидан биридир. Дэн Си қонунлар тўпламини ишлаб чиққан ва бу қонунларни моҳирона изоҳлаган.

Ле цзы шундай дейди: Дэн Си бир-бирига зид бўлган фикрларни айтди ва кейин уларнинг ҳақиқатининг сон-саноксиз далилларини келтирди. Дэн Сига тегишли бўлган иккита имконият тўғрисидаги таълимот Эватла ва сицилиялик риториклар Коракс ва Тисийнинг тортишувларини эслатади. Дэн Си цзы асарининг замонавий матни кейинчалик қалбакилаштирилган деб ҳисобланади, бу эса унга етарлича эътибор берилмаслигига олиб келди. Баъзи далилларга кўра, Дэн Си қиролликнинг биринчи маслаҳатчиси Чжен Цзы-Чанянинг буйруғи билан қатл этилган¹⁴.

Ли Куй (милоддан аввалги 455-395) У Вэн қироллигида машҳур ҳукмдор Вэй (милоддан аввалги 424-387) давлатида хизмат қилган. Ли Куй, турли ислохотлари, хусусан, аграр, қатъий миқдорий ҳисоб-китоб, нархлар устидан марказлаштирилган давлат назорати билан боғлиқ бозор ислохоти, шунингдек, армияни кучайтиришга оид қарашлари билан машҳур.

Ўғрилиқ ва қароқчилик ўртасидаги фарқ, уларни аниқлаш, қўлга олиш, шунингдек, айбнинг оғирлигини аниқлаш, турли жиноят ва ҳуқуқбузарликлар, фирибгарлик, қимор, коррупцияни аниқлаш ва жазолаш ҳақида ёзган.

Ли Куй “давлатни бойитиш” ҳақидаги машҳур ғоянинг муаллифи сифатида муҳим аҳамиятга эга. Манбаларда қайд этилишича Ли Куй таклиф этган бошқарув тартибига амал қилган Вэн қироллиги ўз даврида гегемонга айланган¹⁵.

Ли Куй туфайли амалдорларнинг зодагонлик эмас, балки ҳукмдорга садоқати асосида кучли бюрократик аппарат яратилди. Ли Куй қишлоқ хўжалигининг маҳсулдорлигини ошириш, очлик муаммосини енгиш (оғир даврларда белгиланган нархларда сотилган донни сақлаш учун давлат омборлари ташкил этилган), кулдорликнинг заифлашишига ва одатлар устидан қонуннинг кучайишига катта ҳисса қўшган.

Манбаларда қайд этилишича Ли Куй доннинг ўртача ҳосилдорлигини ҳисоблаб чиқади ва шунга асосланиб, деҳқонларнинг ўртача улушини ташкил этувчи ер солиғини белгилади. Бу ҳаракатлар деҳқон хўжаликларининг

¹³ Спирин В.С. «Дэн Си-цзы» как логико-гносеологическое произведение: перевод и исследование // Каноны конфуцианства и школа имен: в 2 кн. / сост. и отв. ред. А.И. Кобзев; Институт востоковедения РАН. Кн. 2. М.: Наука-Восточная литература, 2014.

¹⁴ В. С. Спирин; сост. А. И. Кобзев. – 325 с. / Дёмин Р. Н. Дэн Си, Гунсунь Лун, сицилийские риторы и школьный курс истории философии // Универсум платоновской мысли. Двадцать четыре века платонизма: традиции и инновации в истории древнейшей европейской философской школы. Материалы XI Платоновской конференции. СПб., 2003. С. 48–57.

¹⁵ Рубин В.А. Личность и власть в древнем Китае. М., 1999.

мустаҳкамланишига ёрдам берди ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўпайишига ва Вэй давлатининг иқтисодий юксалишига олиб келди. Кейинчалик, бу услуб Цин давлати ва кейинчалик Хан сулоласи даврида акс этган.

Шунингдек, Ли Куй ўша пайтда Хитойда мавжуд бўлган барча давлатларнинг қонунларини (фа) тўплади ва тартибга келтирди. У ҳукмдор ҳокимияти учун ўғрилар муаммосини ҳал қилишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқлигига ишонган, шунинг учун унинг қонунлари “Ўғрилар” ва “Қароқчилар” бобларидан бошланади. Ўғрилар ва қароқчилар ҳибсга олиниши ва ҳукм қилиниши керак, шунинг учун Ли Куй яна иккита боб: “Тўр” ва “Ҳибсга олиш”ни ёзди. “Турли қонунлар” бўлимида алдаш, қамоқхонадан қочиш, қимор ўйнаш, жиноятни яшириш, таъмагирлик ва ҳокимиятга қарши жиноятлар кўриб чиқилади. “Яқунлаш” бобида жазони ошириш ёки камайтириш тамойиллари баён этилган. Ли Куй биринчи бўлиб мулкка қарши жиноят ва шахсга қарши жиноят тушунчаларини киритди¹⁶.

У Ци (милоддан аввалги 440-381) У Ци – “ўз манфаатини кўзлайдиган, аммо яхши амалдор” легистик ғоялари ва давлатни мустаҳкамлаш ғоясининг жонли намунасидир. У Ли Куйнинг ёш замондоши эди. У қасос олишга чанқоқ, лекин жуда истеъдодли, биринчи навбатда кўмондон сифатида тасвирланади. У асли Вейлик бўлган, бироқ онасига биринчи вазир ёки маслаҳатчи бўлмагунича қайтиб келмасликка ваъда бериб, уйдан чиқиб кетиб Лу подшолиги ҳукмдорига хизматга киради. Манбаларда қайд этилишича Лу подшолиги Ци подшолиги томонидан ҳужумга учраганида, Лу ҳукмдори У Цини кўшинлар кўмондони этиб тайинлаш ёки тайинламасликка иккиланади. Чунки у Ци аёлига уйланган эди. Бу ҳақда билган У Ци хотинини ўлдиришдан тортинмади ва Лу армиясини бошқариб, ғалаба қозонди.

Бундай хатти-ҳаракатни кўриб, Подшоҳ Лу тез орада унинг хизматларидан воз кечди. Кейин У Ци Вэйга қайтиб кетди ва Ли Куйнинг ёрдами билан кўшинлар кўмондони бўлди ва Цин мағлуб этилади. Аммо бу ерда ҳам улар унга қарши фитна уюштира бошладилар ва у Вейдан Чуга қочишга мажбур бўлди. Қирол уни қабул қилди ва ҳаттоки ислоҳотларни ўтказишга рухсат берди. Ушбу ислоҳотлар ирсий аристократияни бартараф этиш, бюрократияни тозалаш, тартибга солиш ва армияни кучайтиришга қаратилган эди. Бунинг учун зодагонлар ундан нафратланишган ва подшоҳ вафот этгач, унинг атрофидагилар йиғилиб У Цини ўлдиришган.

¹⁶ Needham, Joseph (1986). *Science and Civilization in China: Volume 4, Part 3*. Taipei: Caves Books, Ltd.

Манбаларда қайд этилишича, “Хан даври ёзувлари”нинг библиографик қисмида У Ци томонидан тузилган 48 бобдан иборат рисола қайд этилган. Олтитаси бизнинг давримизга қадар сақланиб қолган¹⁷.

Шан Ян (милоддан аввалги 390-338) дастлаб Вэйда биринчи маслаҳатчи ҳузурида кичик расмий лавозимни эгаллаган. Шан Ян Вэй ҳукмдорига давлатни тубдан ислоҳ қилиш режасини таклиф қилди, аммо рад этилади. Биринчи маслаҳатчи ҳукмдорга Янни ўз хизматида ишлатишни ёки уни ўлдиришни маслаҳат берди, лекин у қулоқ солмайди ва Янни қўйиб юборди. У Вэйни тарк этди ва милоддан аввалги 361 йилда Цин шаҳзодаси Сяо (милоддан аввалги 361-338) хизматига кирди ва унинг даврида биринчи вазир бўлди.

Милоддан аввалги 356 йилдан Цинда бир қатор сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширади. Улар Циннинг келажакдаги биринчи Хитой империясига айланишига асос солган деб ишонилади. Шан Ян Цин халқи онгига ўзи киритган қонунларни бузганлик учун жазо муқаррарлиги ғоясини ҳақида бир воқеа (балки бўлган воқеа?) сақланиб қолган. Унга кўра, бир куни ҳукмдорнинг ўғли иш кунларида байрамона кийим кийишни тақиқловчи қонунни бузди. Уни жазолаш мумкин эмас эди. Бу одат бўйича кўзда тутилмаган, аммо эътиборсиз қолдириш ҳам мумкин эмас эди. Шунда Шан Ян шаҳзоданинг устозини жазолашни, пешонасига тамға босишни буюрди. Тўрт йил ўтгач, шаҳзода яна қонунни қўпол равишда бузди, бунинг учун ўқитувчисининг бурни кесилади, меросхўрнинг ўзи эса саройдан ҳайдалади.

Шан Ян ташқи сиёсатда ҳам муваффақият қозонди. Шан Ян ўзи туғилган Вейга қарши муваффақиятли кампанияни олиб борди. Бунинг учун у ҳатто ярашув пайтида Вей қўшинлари қўмондони, Вей меросхўрига хиёнаткорлик билан ҳужум қилди. Давлат олдидаги улкан хизматлари учун Янга Шан вилоятидаги 15 та қишлоқ берилди ва унинг ҳукмдори бўлди.

Бироқ, милоддан аввалги 338 йилда Қирол вафотидан кейин унинг ўғли тахтига ўтирди, айнан ўқитувчи Шан Янни шафқатсизларча жазолайди. Унинг Шан Ян билан шахсий ҳисоблари бор эди ва уни хиёнатда айблади. Шан Ян Вэйга қочиб кетади. Вэй уни Цин қироллигига ҳайдаб юборди, у ерда у ўзининг Шан минтақасига қочиб, қўшин йиғади ва кичик Чжэн давлатига бостириб киришга ҳаракат қилади (эҳтимол, у ерда мустақил равишда жойлашиш мақсади билан). Лекин у Цин қўшинлари томонидан мағлуб этилади ва танаси бўлақларга бўлинади. Шундан сўнг, ўзининг давлат жиноятлари тўғрисидаги қонунига кўра, унинг бутун оиласи қатл этилади¹⁸.

Айрим таҳлилчиларнинг фикрига кўра, одамларнинг кўпайиши, аммо чекловларнинг мавжуд эмаслиги, очкўзлик, нотенглик, бошқалардан ажратиш

¹⁷ <https://magisteria.ru/ancient-chinese-philosophy/legalism>

¹⁸ Книга правителя области Шан / Пер., вступ. ст. и коммент. Переломов Л.С. М., 1993.

истаги сабабли улар орасида тартибсизлик юз беради. Шунинг учун, улар биринчи навбатда ер, мулк, эркалар ва аёлларга нисбатан фарқларни киритдилар. Фарқлашни чекловларсиз амалга ошириш мумкин эмас эди, шунинг учун тақиқлар ўрнатилди. Тақиқларни жорий этиш ва уларни амалга ошириш натижасида бюрократия юзага келди.

Таълимотга кўра, бой – бу дангаса, чунки завқ ва беташвишлик дам олиш ва дангасаликни келтириб чиқаради. У меҳрибон, демак у ўзини яхши кўради ва ҳимоя қилади. Агар бундай халқ давлат ҳокимиятидан кучлироқ бўлса, давлат омон қолмайди. Чунки уни ташқи душманлар ютиб юборади ва одамларнинг ўзлари ҳам йўқ қилинади. Маросим ва муסיқа ортиқча ва бекорчилик белгиларидир, муносиблар ёрдамида, эзгу бошқарув самарасиз. Тажрибали амалдорлар қонунларга риоя қилиш орқали яхши бошқарувга эришади ва халқ хотиржам бўлади. Давлатда турли қонунлар ва турли нормаларга риоя қилиш орқали устунликка эришилади.

Давлатни бошқарувида фазилатли одамлардан фойдаланиш усулининг ўзига хос заиф томонлари ҳақида қуйидагилар қайд этилади.

Биринчидан, бундай ҳукумат ташқи душманга қарши курашда давлатнинг кучини кафолатламайди. Улар келиб, уни йўқ қилишлари мумкин. Мамлакат ичида ҳам худди шундай. Фазилатли одамни ўлдиради ва ҳокимиятни эгаллайди.

Иккинчидан, ўз халқи фазилатлиларга бўйсунити мутлақо ҳақиқат эмас. Масалан, Яо тахтга ўтирмагунча, уни ҳеч ким тингламади.

Учинчидан, ва бу, эҳтимол, энг муҳим далил, фазилатли одамлар кам. Агар биз Яо ва Шун каби мукамал доно кишининг келишини кутсак, минг авлоддан фақат битта авлодда бўлиши мумкин¹⁹.

Бошқа легизм ҳукуқий таълимоти тарафдорлари каби Шан Ян қарашларда ҳам агар амалдорлар қонунга риоя қилмаса, ўз ишини яхши бажармаса, улар ҳам жазо олиши керак.

Хан Фэй (эрамизгача 280-233) Хан давлатининг ҳукмрон ходанони билан боғлиқ зодагон оилада туғилган. Ёшлигида у классик легистлар ва даоистларнинг ғояларини ўрганган. Хитойнинг бўлажак биринчи императори Цин қироли Ин Чжэн Хан давлати чегараларига бостириб кирганида, Хан ҳукмдори Хан Фэйни музокараларга юборади. Ин Чжен Хан Фэйнинг ишидан таъсирланиб, уни ўзига яқинлаштириш йўлини излайди²⁰.

Хан Фей ҳам ўзининг 55 бобдан иборат “Хан Фей-цзи” рисоласида конфуцийлик қарашларини танқид қилди. Хан Фейнинг фикрига кўра, Ҳукмдорнинг ахлоқий фазилатлари унинг буйруғига бўйсунити мажбуриятига

¹⁹ <https://magisteria.ru/ancient-chinese-philosophy/legalism>

²⁰ Хань Фэй-цзы. Книга Закона и порядка. Советы разумному правителю / пер. Иванов А.И., ред. Хвостова Д.О. М.: Центрполиграф, 2019. (переиздание Иванов А.И. Материалы по китайской философии. Введение. Школа фа. Хань Фэй-цзы. Перевод. СПб., 1912).

ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Халқ ҳукмдорга, ўғил отага, хотин эса эрга хизмат қилади. Шу билан бирга, ҳукмдорга бўйсунуш оилавий мажбуриятлардан муҳимроқдир.

Жамиятдаги тартиб ҳукмдор томонидан қабул қилинган қонунлар билан таъминланади. Қонун бекор қилинмагунча, ҳар бир киши, ҳукмдорнинг ўзи истисно қилмасдан олдин, ушбу қонун адолатли ёки адолатсиз бўлишидан қатъий назар унга риоя қилиши керак.

Хан Фей таълимотининг асосий тушунчаси ҳукмдор ҳокимиятни йўқотишни истамаса, у ҳеч кимга ишонмаслиги керак. Ҳукмдор ва фуқароларнинг манфаатлари табиатан бир-бирига мос келмайди. Бир мансабдор шахс кўлида ҳокимиятнинг ортиқча тўпланишига йўл қўймаслик керак. Агар мансабдор шахс ҳукмдорнинг кўрсатмаларини бажармаса ёки ошириб юборса, у жазоланиши керак.

Давлат ичида тинчлик ва осойишталик ўрнатилса, ҳукмдор ўз давлати чегараларини ҳарбий йўл билан кенгайтиришга ҳақли. Иқтисодиёт гуллаб-яшнаган жойда ҳарбий куч пайдо бўлади. Шунинг учун ҳукмдор деҳқончиликни ўз фуқаролари учун ягона фойдали машғулот деб билиши керак. Камбағалларга эҳсон бериш, бойнинг даромадини камбағалларга тақсимлаш каби аҳмоқлик ва адолатсизликдир. Хан Фейнинг фикрича, бу дангасаларни кўпайтириш ва исрофгарчилик бўлиб, тежамкорлик ва тиришқоқларни йўқ қилиш қилиш билан баробар²¹.

Айрим олимларнинг фикрига кўра, Хан Фей кўпинча бошқа мактаблар томонидан ишлаб чиқилган тушунчалардан фойдаланади. Уларни ўзига хос тарзда бирлаштиради ва янги мазмун билан тўлдиради. Бу, хусусан, конфуцийнинг тартиб, фазилат ва инсонийлик каби анъанавий тоифаларига тааллуқлидир.

Хан Фей ушбу мактабларнинг турли тушунчаларини янги тизимга бирлаштиришга интилади. Агар қонунлар ва фармонлар ўзгарса, фойда ва зарар ҳам ўзгаради. Афзалликлар ва камчиликлар ҳам ўзгаради, одамлар фаолиятининг йўналиши ҳам ўзгаради. Хан Фей легизм ҳақидаги тушунчасини бошқа мактабларнинг ўхшаш тушунчаларига қарама-қарши қўяди, уларни ўзига хос тарзда шарҳлайди. Хан Фей ўтмишни улуғлайдиган ва замонавийликни рад этадиган бошқа мактабларга қарши чиқади. Цин сулоласининг энг кўзга кўринган ҳукмдори император Цин Ши-хуан давлат бошқарувида Хан Фей

²¹ Ксензов, П. В. Цитаты из Лао-Цзы в трактате «Хань Фэй-Цзы» и их соотношение с полными версиями «Дао-дэ цзина» // Вестник Московского университета: Сер.13: Востоковедение. — 07/2003. — №3. — С.95-102. / Корешкова Ю. О. Отражение культуры государственного управления Древнего Китая в трактате «Хань Фэй-Цзы» // Сборнике: Древо познания и дерево знания. Магистерские исследования Иркутск, 2015. С. 232—241.

таълимотини жорий қилган ва бошқа мактаблар ва таълимотларнинг фаолиятини тақиқлаган²².

Хан Фэй учун ҳукмдор ҳокимият институти мутлақ бўлиши керак, лекин шахс, шахс сифатида нолга тенг бўлиши керак. Ҳукмдорнинг шахсияти унинг ҳукмронлиги даврида нолга тушиши лозим.

Ли Сы (милоддан аввалги 280-208 йиллар) легизм таълимотининг сўнги вакиллари билан бири. Цин қироллигининг биринчи вазири ва кейинчалик Цин империясининг биринчи императори. Дастлаб у Чуда кичик лавозимни эгаллаган. Аммо у шу билан тўхтамади ва муваффақиятга эришди²³.

Ли Сы ҳам Конфуций тарафдорларининг ҳаракатини маъқулламади ва давлат хизмати кўплаб хавф-хатарлар билан тўла эканлигидан огоҳлантирди. Ли Сы барча мактабларни тақиқлашни ва барча сиёсий китобларни ёқишни, уларни сақлаганларни ўлим билан жазолашни таклиф қилди. Конфуцийчилар қаттиқ таъқибга учрадилар. Милоддан аввалги 214 йилда Конфуцийнинг барча асарлари йўқ қилинди ва китобларини оммавий равишда ёқиш уюштирилди. Китоблар қатл таҳдиди остида ҳокимиятга топширилиши керак эди. Эътироз билдирган 460 нафар конфуцийлар милоддан аввалги 213 йилда йўқ қилинади²⁴.

Умуман олганда, легизмнинг асосий ғоявий рақиби конфуцийлик эди. Унга қарши кураш легизм шаклланиши ва эволюциясининг барча босқичларини қамраб олган. Биринчи босқич Гуан Чжуннинг Ци қироллигида ягона қонунчиликни жорий этиш ва наслий аристократия ҳуқуқларини чеклашга қаратилган ислохотлари билан ажралиб туради. Иккинчи босқичда Шан Ян, Шен Бухай ва Хан Фэй таълимотлари яратилиб, улар ҳуқуқшунослик таълимотини батафсил ишлаб чиқишни яқунладилар. Аммо бу даврда Сюн-цзы таълимотида амалга оширилган конфуций ва легист таълимотларини назарий синтез қилиш тенденцияси биринчи марта яққол намоён бўлди²⁵.

Аммо шундай бўлса-да айрим таҳлилчиларнинг фикрига кўра, легизм ва конфуцийлик ҳуқуқий таълимоти ўртасида давлат бошқарувига оид қарашларида айрим ўхшашликлар бўлган. Мисол учун, конфуцийлик сингари, легистлар ҳам ўзаро урушларга ва мамлакатнинг кичик қиролликларга бўлинишига ва мутлақ ҳокимиятнинг тимсоли бўлган монарх бошчилигидаги давлат ҳокимиятини марказлаштиришга қарши чиқдилар²⁶.

Умуман олганда легизм тарафдорлари халқни одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш орқали уларни бошқариш тарафдори бўлган Конфуций таълимотининг акси бўлиб, кучли Қирол ҳокимияти ва қаттиқ жазоларга

²² Богда И. И. [Сто школ — период расцвета китайской философии](#) // История философии в кратком изложении – М.: Мысль, 1994 г.

²³ <https://magisteria.ru/ancient-chinese-philosophy/legalism>

²⁴ Бакиева Г. А. [Социальная амнезия](#) // Полисфера. 2002

²⁵ Переломов Л.С. Конфуцианство и легизм в политической истории Китая. – М., 1981;

²⁶ Creel H.G. The Origins of Statecraft in China. Chi., 1970;

асосланган бошқарувдир. Аммо ўша вақтидаёқ давлатни қаттиқ жазоларга таянган ҳолда бошқариш механизми ҳам қутилган натижага хизмат қилмагани кўриш мумкин. Мисол учун, Цинь Шихуан томонидан яратилган бошқарув тизими унинг ўлимидан кейин Цин империясининг сақлай олмади. Жамиятдаги ўз ўрнини мафкуравий асослашга муҳтож бўлган бюрократиянинг таъсири кучайгани сари конфуцийликка бўлган қизиқиш яна жонланди. Конфуцийликка йўналтирилган мутафаккирлар легизм билан мафкуравий синтез йўллари изладилар²⁷.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, легизм таълимоти асосида инсон манфаати эмас, балки давлат манфаати биринчи ўринга қўйилади. Таълимотнинг асосий ғояси ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун жазолар қаттиқ бўлса, давлатда тартиб бўлади, тартиб бўлса давлат кучли бўлади.

Аввало ҳукмдорнинг ўзи қонунга риоя қилиши, ўз ҳокимиятини ҳар қандай шароитда ушлаб туриш лозим. Ҳукмдор ва амалдорлар қонунга бўйсунмаса одамлар ҳам қонунларга бўйсунмайди, уларга эргашмайди. Бу ўз навбатида давлатда тартибсизликларга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳукмдор ва амалдорларнинг ўзлари халқни бўйсундиришдан олдин, қонунларга риоя қилиши керак.

Маълумки, Конфуций давлат ва жамиятда тартиб бўлиши учун аввало инсон маънавий етук, тарбияли, олийжаноб, қалбини яхшиликка мойил бўлиши керак. Легистлар давлат ва жамият бошқарувида конфуцийликни акси бўлиб, уни кескин танқид қилишган. Аммо конфуцийлар ҳам қонунларнинг аҳамиятини инкор этмайди.

Легистлар инсон нафратланадиган, яъни жазолар орқали уларнинг истакларини амалга оширишга эришилади деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрига кўра, жазолар иложи борича қаттиқ, мукофотлар камроқ бўлиши керак. Агар жиноятлар учун енгил жазо берилса, мукофотлар кўп бўлса, демак, қонун эмас, балки ҳукмдор шахсининг таъсири кучаяди, бу ҳам ёмон. Ҳукмдор мутлақ ҳокимиятга эга бўлиши керак, лекин шахсиятга эга бўлмаслиги лозим.

Легистлар таълимотига кўра, давлат қишлоқ хўжалигини ривожлантириб бой бўлиши, ички низолар ва бошқа давлатлар билан курашиш учун ресурсларга эга бўлиши. Ўрганишлар натижалари бошқа ҳуқуқий таълимот тарафдорларига қараганда легизм таълимоти тарафдорларининг аксарияти мамлакатда юқори давлат лавозимларида фаолият юритишган.

Бизнингча бунинг асосий сабабларидан легизм тарафдорлари томонидан амалдаги ҳукмдорга маъқул келадиган нормаларнинг таклиф этилгани билан боғлиқ. Хусусан, ҳукмдор ҳокимиятини мутаҳкамлаш, барчанинг қонун олдида

²⁷ Rubin V. Ancient Chinese Cosmology and Fa-chia Theory. – Explorations in Early Chinese Cosmology. L., 1984.

тенглиги, мамлакатни қаттиқ қонунлар ва жазолар асосида бошқариш, инсон манфаатларини эмас, балки давлат манфаатларини биринчи ўринга қўйиш, фуқароларнинг асосий вазифаси ҳукмдорга садоқат билан хизмат қилиш ва ҳарбий хизмат эканлиги, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали давлат хазинасини тўлдириш, бунинг натижасида армияни ривожлантириш, қўшни давлатларга хужум қилиб уларини ерлари ва бойликларини қўлга киритиш каби таклифлар амалдаги ҳукмдорга маъқул келган ва легизм тарафдорлари масъулиятли давлат лавозимларига муносиб кўрилган.

Маълумки, қадимги давлатларнинг аксариятида давлат бошқарувининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи нормаларда маълум маънода диний қарашлар ўзининг ифодасини топган. Бошқа ҳуқуқий таълимотлардан фарқли жихатларидан яна бири қадимги Хитой лигизм ҳуқуқий таълимотида диний қарашлар билан боғлиқ деб бўлмади.

Умуман олганда қадимги Хитой легизм ҳуқуқий таълимотининг асосий ғоялари – ҳар кимнинг қонун олдида тенглиги, унвонларни туғилиш бўйича эмас, балки ҳақиқий хизматга кўра тақсимлаш, ҳар қандай оддий одам биринчи вазир даражасига кўтарилиш ҳуқуқига эга бўлиши, давлат ва жамиятни қаттиқ қонунлар асосида бошқариш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, армияни кучайтириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун қаттиқ жазо қўллаш, имтиёз ва мукофотларни камайитириш, давлат ва амалдаги ҳукмдорга садоқат билан хизмат қилиш, қонунга сўзсиз итоат этиш, мажбурий ҳарбий хизмат кабилар (ва бошқа) ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати:

1. Лидай фа цзя чжуцзо сюаньчжу (Избр. произв. с комментариями легистов различных эпох). Пекин, 1974; / Ци Ли, Фа цзя жэньу цзи ци чжуцзо цзяньцзе (Краткое знакомство с представителями легизма и их произведениями). Пекин, 1976;
2. Creel H.G. Fa-chia: Legalists or Administrators. – The Bulletin of the Institute of History and Philology Academia Sinica, v. 4. Taipei, 1961;
3. Васильев Л. С. [«История Востока». Конфуцианство и легизм.](#) Дата обращения: 16 февраля 2011. [Архивировано](#) 7 сентября 2011 года.
4. <https://iphlib.ru/library/library/collection/newphilenc/document/HASH01b0ea763f3b0fed41f681b0>
5. Васильев Л.С. Государство и частный собственник в теории и практике легизма. – В сб.: 5-я научная конференция «Общество и государство в Китае», в. 1. – М., 1974;
6. Штейн В.М. «Гуань-цзы». Исследования и перевод. – М., 1959.
7. Гл. редакция: Л. Ф. Ильичёв, П. Н. Федосеев, С. – М. Ковалёв, В. Г. Панов. Гуань чжун // Философский энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия. — 1983.
8. Цяо Чжанлу. // (Биографии знаменитых философов древнего Китая). Т. 1. Цзинань, 1982.

9. [Переломов Л. С.](#) Конфуцианство и легизм в политич. истории Китая. – М., 1981. С. 20, 21, 42 — 5 и др.
10. Гуань Чжун // Китайская философия. Энциклопедический словарь. — 2009.
11. Harris E. L. The Shenzi Fragments: A Philosophical Analysis and Translation. N.Y.: Columbia University Press, 2016.
12. Рубин В. А. Цзы-чань и город-государство древнего Китая // В. А. Рубин. Личность и власть в древнем Китае. — М.: «Восточная литература», 1999. — С. 227—241.
13. Спирин В.С. «Дэн Си-цзы» как логико-гносеологическое произведение: перевод и исследование // Каноны конфуцианства и школа имен: в 2 кн. / сост. и отв. ред. А.И. Кобзев; Институт востоковедения РАН. Кн. 2. М.: Наука-Восточная литература, 2014.
14. В. С. Спирин; сост. А. И. Кобзев. – 325 с. / Дёмин Р. Н. Дэн Си, Гунсунь Лун, сицилийские риторы и школьный курс истории философии // Универсум платоновской мысли. Двадцать четыре века платонизма: традиции и инновации в истории древнейшей европейской философской школы. Материалы XI Платоновской конференции. СПб., 2003. С. 48–57.
15. Рубин В.А. Личность и власть в древнем Китае. М., 1999.
16. Needham, Joseph (1986). Science and Civilization in China: Volume 4, Part 3. Taipei: Caves Books, Ltd.
17. <https://magisteria.ru/ancient-chinese-philosophy/legalism>
18. Книга правителя области Шан / Пер., вступ. ст. и коммент. Переломов Л.С. М., 1993.
19. <https://magisteria.ru/ancient-chinese-philosophy/legalism>
20. Хань Фэй-цзы. Книга Закона и порядка. Советы разумному правителю / пер. Иванов А.И., ред. Хвостова Д.О. М.: Центрполиграф, 2019. (переиздание Иванов А.И. Материалы по китайской философии. Введение. Школа фа. Хань Фэй-цзы. Перевод. СПб., 1912).
21. Ксензов, П. В. Цитаты из Лао-Цзы в трактате «Хань Фэй-Цзы» и их соотношение с полными версиями «Дао-дэ цзина» // Вестник Московского университета: Сер.13: Востоковедение. — 07/2003. — №3. — С.95-102. / Корешкова Ю. О. Отражение культуры государственного управления Древнего Китая в трактате «Хань Фэй-Цзы» // В сборнике: Древо познания и дерево знания. Магистерские исследования Иркутск, 2015. С. 232-241.
22. Богута И. И. [Сто школ — период рассвета китайской философии](#) // История философии в кратком изложении – М.: Мысль, 1994 г.
23. <https://magisteria.ru/ancient-chinese-philosophy/legalism>
24. [Бакиева Г. А. Социальная амнезия](#) // Полисфера. 2002
25. Переломов Л.С. Конфуцианство и легизм в политической истории Китая. – М., 1981;
26. Creel H.G. The Origins of Statecraft in China. Chi., 1970;
27. Rubin V. Ancient Chinese Cosmology and Fa-chia Theory. – Explorations in Early Chinese Cosmology. L., 1984.